


ЭНГ ЯҚИН ҚЎШНИ ВА ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедовнинг таклифига биноан 20-21 октябрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.



21 октябрь куни Туркменистон Президентининг қароргоҳи — “Ўғузхон” сарой мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Президентини расмий қутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қорувул саф тортди. Икки мамлакатнинг давлат мадҳиялари янгради.

Шундан сўнг Президентлар тор доирада музокара ўтказди.

Давлат раҳбарлари қардош халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничиликка асосланган икки томонлама муносабатларни янада мустаҳкамлаш масалаларини муҳокама қилдилар.

Сиёсий, савдо-иқтисодий, энергетика, транспорт-логистика, қишлоқ ва сув ҳўжалиги соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтириш масалалари музокараларнинг асосий мавзуси бўлди.

Кейинги йилларда амалий ҳамкорликнинг бarchа йўналишида катта натижалар бўлгани таъкидланди. Олий даражада эришилган келишувлар “Йўл харитаси” асосида муваффақиятли амалга оширилмокда.

Икки мамлакат ҳукуматлари, вазирлик ва идоралари, ҳудудлари ўртасида мунтазам мулоқот ҳамда сермахсул алмашинувлар олиб боришмокда. Шавкат Мирзиёев ва Сердар Бердимухамедов ушбу учрашув Ўзбекистон билан Туркменистоннинг кўп қиррали стратегик шериклиги ривожига янги сўрат бағишлашига ишонч билдирдилар.

Халқаро ва минтақавий кун тартиби юзасидан батафсил фикр алмашилди, жумладан, Марказий Осиёда ҳамкорликни чуқурлаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Шавкат Мирзиёев ва Сердар Бердимухамедов музокараларни икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида давом эттирди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги кўп қиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик барча йўналишларда изчил кенгайиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этди.

— Минг йиллар давомида ўзбек ва туркман халқлари ёнма-ён яшаб, бири-бирига таянч бўлиб келганлар, — деди Шавкат Мирзиёев.

Кейинги ойларда давлат раҳбарлари олтини марта учрашаётгани Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги ўзига хос муносабатларнинг ёрқин далилидир.

Президентимиз Туркменистон Миллий Кенгаши Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов мамлакатларимиз ўртасидаги жадал ривожланиб бораётган бугунги ҳамкорликнинг мустаҳкам пойдеворини шакллантиришга улкан ҳисса қўшганини қайд этди.

Иқтисодиёт икки томонлама муносабатларнинг етакчи кучи бўлиб хизмат қилаётгани, мамлакатларимизнинг улкан салоҳиятини ишга солиш учун кўпроқ ҳаракат қилиш зарурлиги таъкидланди. Кейинги йилларда ўзаро савдо жадал сўратда ошиб бормокда.

Томонлар кооперация лойиҳаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратди. Саноат, энергетика, кимё тармоғи ва қишлоқ ҳўжалиги каби устувор тармокларда янги лойиҳаларни шакллантириш ва амалга ошириш борасидаги ишларни кучайтиришга келишиб олинди.

Транспорт соҳаси — ҳамкорликнинг стратегик йўналишларидан бири. Давлат раҳбарлари Шарқ — Ғарб ва Шимол — Жануб йўналишларида, жумладан, Туркманбoши порти имкониятларидан фойдаланган ҳолда транспорт йўлакларини фаол ривожлантиришга аҳдлашиб олдилар.

Мамлакатларимиз сув соҳасида юксак даражада ҳамкорлик қилаётгани мамнуният билан қайд этилди. Тошкентда имзоланган Амударё бўйича битим кенг қўламда амалга оширилмокда.

Ҳудудлараро алоқаларни янада кенгайтириш ва маданий-гуманитар ҳамкорликни мустаҳкамлаш устувор йўналишлар сирасига қиради. Президентлар фан, таълим, санъат, кино ва туризм соҳаларидаги алмашинувларни фаоллаштириш зарурлигини қайд этдилар.

— Биргаликдаги саяё-ҳаракатларимиз дўстлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлашга, икки мамлакатнинг равнақига хизмат қилишига ишонамиз, — деди Ўзбекистон етакчиси.

Сўнг ҳужжатларни имзолаш ва алмашиб маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов Стратегик шерикликни чуқурлаштириш тўрисидаги декларацияни имзоладилар.

Бундан ташқари, икки мамлакат ҳукуматлари, вазирлик ва идоралари даражасида кўп қиррали Ўзбекистон — Туркменистон ҳамкорлигини кенгайтиришга қаратилган қатор ҳужжатлар, шу жумладан:

- Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон ўртасида сиёсий мулоқот, парламентларо, савдо-иқтисодий ҳамкорлик, маданий-гуманитар алмашинувни фаоллаштириш бўйича 2022 — 2024 йилларга мўлжалланган Амалий ҳаракатлар режаси;
- Икки томонлама таъқи иқтисодий муносабатларни янада ривожлантириш тўрисида битим;
- Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон ҳудудларида савдо уйлари фаолиятини тартибга солиш тўрисида битим;

- Гидрометеорология соҳасида илмий-техник ҳамкорлик тўрисида битим;
- Қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича Амалий чора-тадбирлар режаси;
- Дори воситалари ва тиббиёт буюмларини рўйхатга олиш тўрисида битим имзоланди.

Шунингдек, электр энергетикаси, божхона иши, ветеринария ва қорвачилик, кинематография ва бошқа йўналишлар юзасидан келишувларга эришилди.

Олий даражадаги музокаралар якунида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов ва у орқали қардош туркман халқига самимий меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдирди.

Туркменистонда Сердар Бердимухамедов раҳбарлигида амалга оширилаётган ички ва ташқи сиёсат туфайли давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳасида эришилаётган катта ютуқлардан Ўзбекистон чин дилдан хурсанд экани таъкидланди.

Муштарак сиёсий ирода туфайли кейинги йилларда Ўзбекистон — Туркменистон муносабатларига мутлақо янги руҳ бағишлангани ва икки томонлама ҳамкорлик стратегик тус олгани таъкидланди.

— Туркменистон билан шерикликни янада мустаҳкамлаш — Ўзбекистон ташқи сиёсатининг ўзгармас устувор йўналиши, — деди давлатимиз раҳбари.

Томонлар савдо-иқтисодий алоқаларини янада кенгайтиришни Ўзбекистон — Туркменистон шериклигининг асоси сифатида белгилаб олдилар.

Сувдан фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий тусдаги фавкулда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш борасидаги ҳамкорликнинг устувор йўналишлари белгиланди.

Марказий Осиёдаги трансчегаравий дарёларнинг сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш учун конструктив мулоқотни давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

Парламентларо мулоқот ва халқ дипломатиясини янада кенгайтириш, ҳудудларо алоқаларни ривожлантириш, маданий-гуманитар ҳамкорликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди.

— Мадааний-гуманитар алоқалар қардош халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик дўстликнинг тамол тоши, асоси бўлиб келган, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш мақсадида келгуси йилда икки томонлама Маданият ва кино кунлари, фестиваллар ва бошқа тадбирларни ўтказишга келишиб олинди.

Давлатларимизнинг халқаро ва минтақавий сиёсатга оид долзарб масалалар юзасидан позициялари муштарак экани қайд этилди.

БМТ, ЕХТҒ, МДХ, ШХТ, ТДТ, ОҚХФ ва бошқа кўп томонлама тузилмалар доирасидаги фаол ҳамкорлик давом эттирилади. — Биз Марказий Осиё давлат раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви доирасидаги минтақавий ҳамкорликни бундан буюн ҳам мустаҳкамлашга келишиб олдик, — деди Ўзбекистон етакчиси.

Бундан ташқари, давлат раҳбарлари Афғонистонда вазиятни тез фурсатда барқарорлаштириш ва муҳим инфратузилма лойиҳаларини илгари суришга қаратилган саяё-ҳаракатларни кенгайтиришга аҳдлашиб олдилар.

Туркменистонга расмий ташриф доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ушбу мамлакат парламентининг юқори палатаси раиси Гурбангули Бердимухамедов билан учрашди.

— Бугун қардош Туркменистон миллий бирлигини ва тарихий-маданий аънаналарни сақлаш асосида жадал ривожланмокда. Бу бутун дунёда ўзининг юксак эътирофига сазовор бўлди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Гурбангули Бердимухамедов биродар мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстлик муносабатларини мустаҳкамлашга ҳамда уларни чуқур стратегик шериклик даражасига олиб чиқишга шахсан ҳисса қўшгани алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон — Туркменистон алоқалари ўзаро ҳал бўлмаган масалалардан холи давлатлараро шерикликнинг ҳақиқий намунаси экани мамнуният билан қайд этилди.

Парламентлар ўртасидаги мулоқот халқларимизнинг янада яқинлашишида энг муҳим омил экани таъкидланди.

— Олий даражада эришилган келишувларнинг бажарилишини мониторинг қилиш учун парламентлараро ҳамкорлик салоҳиятидан бундан буюн ҳам самарали фойдаланишимиз лозим, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президент Шавкат Мирзиёев Ашхобод шаҳридаги “Halk hakyasy” (“Халқ хотира-си”) ёдгорлик мажмуасида бўлди.

Бу мажмуа 1880-1881 йиллардаги Гўктепа жанги, Иккинчи жаҳон уруши ва 1948 йилдаги Ашхобод зилзиласига бағишланган ун қисмдан иборат. Марказий монумент ортида шу муҳим воқеалар ҳақида ҳўқоя қилувчи музей ҳам бор.

Давлатимиз раҳбари ўтганлар хотирасига ҳурмат баҳо келтириб, ёдгорлик пойига гул қўйди. Музей экспонатлари билан танишиб, Фахрий меҳмонлар китоби-га дастхат ёзиб қолдирди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат

Мирзиёев Туркменистонга расмий ташрифи доирасида Махтумқули номидаги Туркменистон давлат университети-га ташриф буюрди.

Ёшлар, санъат усталари давлатимиз раҳбарини тантанали қутиб олди. Президентимизга ушбу университетнинг Фахрий профессори унвонини бериш маросими бўлди. Университет ректори Байрамгул Ораздурдиева ва Туркменистон Фанлар академияси президенти Аллаберди Аширов Шавкат Мирзиёевга Фахрий профессор либоси ва тегишли унвон берилгани тўрисидаги сертификатни тантанали топширди.

Учрашув иштирокчиларига мурожаатида мамлакатимиз етакчиси ушбу унвон учун самимий миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистон Президенти таълим ва тарбия азал-азалдан давлатлар ва халқлар тараққийотини белгилаб берувчи, уларнинг қудратини юксалтирувчи куч бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

— Ҳар қандай жамиятнинг келажаги бугунги ёш авлод нақадар билимли ва ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишига бевосита боғлиқ. Айнан шунинг учун Ўзбекистонда Туркменистонда бўлгани каби таълим-тарбия тизимида туб ислохотлар амалга оширилмокда.

Бизнинг мақсадимиз — Янги Ўзбекистон ёшларини дунёқарашни кенг, креатив фикрлайдиган, Ватан тақдирини унвон масъулиятини ўз зиммасига олишга тайёр баркамол шахслар сифатида вояга етказиш, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида халқаро сиёсат масалаларига тўхталиб, вужудга келаётган янги хатар ва таҳдидларга ўз вақтида жавоб қайтариш учун минтақа мамлакатларининг саяё-ҳаракатларини бирлаштириш зарурлигини қўрсатиб ўтди.

— Вазиятдан чиқишнинг бирдан-бир йўли — ҳар бир давлат, ҳар бир халқнинг манфаатларини ҳисобга олиш ва ҳўрмат қилишга асосланган конструктив мулоқот, — деди Президентимиз.

Сўзининг якунида Шавкат Мирзиёев Махтумқули номидаги Туркменистон давлат университети юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг шонли аънаналарини давом эттириши, унинг битирувчилари эса Туркменистонни янада ривожлантиришдек олижаноб мақсадга шараф билан хизмат қилишларига ишонч билдирди.

Туркменистон давлат университети мамлакатнинг биринчи ва энг йирик олий ҳўкув юртидир. У 1931 йилда очилган Ашхобод педагогика институтини негизлида ташкил этилган.

Ўзбекистон Президенти университет ҳаётига оид кўргазмани ҳам кўздан кечирди.

Бу ерда фаолият юритаётган 12 та — математика, физика, кимё, биология,

география, тарих, туркман ва хорижий тиллар, ахборот технологиялари ва ҳўқуқ-шўнослик факультетларида 7 мингдан зиёд талабалар таҳсил олмокда.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов ҳамроҳлигида Ашхободда “Тошкент” боғининг тантанали очилиш маросимида иштирок этди.

Боғ Туркменистон пойтахтининг Махтумқули шоҳўчасида, гавжум масканда жойлашган. Уч гектар майдонда ландшафтли гулзорлар ташкил этилган, Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари нусхалари барпо этилган.

Давлат раҳбарлари бу ерда яратилган шароитларни кўздан кечирди. Эзгу ниятлар ифодаси сифатида боққа дарактлар эқди.

Ўзбек ва туркман миллий куй-қўшиқлари ихро этилди. Президентлар шу ерда тўйини нишонлаётган ёш оилага бахт-саодат тилади.

Маросимда икки мамлакат расмий делегациялари, Ашхобод жамоатчилиги вакиллари, ёшлар қатнашди.

Маълумки, Туркменистон Президентининг Ўзбекистонга ташрифи чоғида Тошкентда “Ашхобод” боғи очилган эди. Бу икки боғ Ўзбекистон ва Туркменистон халқлари ўртасидаги узвий ришталарнинг ифодаси бўлди.

Шу ерда “Хоразм — Тошовуз” чегараолди савдо зонасининг қурилишига бағишланган маросим бўлди.

Чегараолди савдо зонаси икки мамлакатнинг чегарадош ҳудудида, “Шовот — Тошовуз” ўтказиб пункти ёнида қурилмокда. Унинг умумий майдони 20 гектарни ташкил этади.

Ушбу маскани барпо қилиш ишларини давом эттириш ва унинг фаолиятини тартибга солиш бўйича баённома ҳам имзоланди. Ҳудудда савдо расталари, омборхоналар, контейнерлар учун майдончалар ва тадбиркорлар учун иш жойларидан иборат замонавий инфратузилма яратиш режалаштирилган.

Хоразм ва Тошовуз вилоятлари оқсоқоллари, мутасаддилар видеоалоқа орқали барчани ушбу воқеа билан табриклаб, қурилиши бошлашга рўхсат сўради.

Ўзбекистон ва Туркменистон Президенти бу хайри ишга оқ фотиҳа берди.

Икки халқ дўстлиги ва фаровонлигига хизмат қиладиган яна кўплаб қўшма лойиҳалар амалга оширилишига ишонч билдирди.

Шу билан Ўзбекистон Президентининг Туркменистонга расмий ташрифи якунланди.

Дунё нигоҳи

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ПРАГАТИК СИЁСАТИ ВА СИЁСИЙ ИРОДАСИ ТУФАЙЛИ МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИ СЎНГГИ ЙИЛЛАРДА ЎЗ САЛОҲИЯТИНИ СЕЗИЛАРЛИ ДАРАЖАДА ОШИРДИ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 20-21 октябрь кунлари Туркменистонга амалга оширган расмий ташрифи якунлари халқаро экспертлар ҳамжамияти томонидан қизгин муҳокама қилинаётгани кўзатилмокда. Хусусан, халқаро таҳлилчилар Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги икки ва кўп томонлама ҳамкорликни

ривожлантириш учун ҳали ишга солинмаган улкан салоҳият мавжудлигини таъкидламокда. Бундан ташқари, ташриф чоғида эришилган келишувлар Ўзбекистон етакчисининг минтақа давлатлари билан ўзаро манфаатли муносабатларни изчил кенгайтириш ва мустаҳкамлаш бўйича интилишларидан яққол далолат беришини эътироф этмокда.

Шуқуҳ

МИЛЛАТИМИЗ ТАФАККУРИНИНГ ТИНИҚ КЎЗГУСИ

Мамлакатимизда 21 октябрь — Ўзбек тили байрами куни кенг нишонланди.

Дунёда минглаб миллатлар бор, ўз давлатига эга эмас. Қанчадан-қанча давлатлар бор, ўз суверенитетига, ўз тақдирини ўзи белгилаш бахтига мўяссар эмас. Уша миллатларнинг, давлатларнинг ўз тилига эътиборсизлиги, уни қадрламагани, ривожлантиришга интилмагани бундай ачинарли ҳолатларнинг асосий сабабларидан биридир.

ЎЗА.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ПРАГМАТИК СИЁСАТИ ВА СИЁСИЙ ИРОДАСИ ТУФАЙЛИ МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИ СЎНГГИ ЙИЛЛАРДА ЎЗ САЛОҲИЯТИНИ СЕЗИЛАРЛИ ДАРАЖАДА ОШИРДИ

Зулкифли БАҲАРУДДИН,
Сингапурнинг Ўзбекистондаги элчиси:

— Сўнгги йилларда Ўзбекистон билан Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги муносабатлар сезиларли даражада фаоллашгани Президент Шавкат Мирзиёевнинг минтақа мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий-сиёсий ва маданий-гуманитар алоқаларни мустақамлашга қаратилган изчил сиёсати ҳамда шахсий сазй-ҳаракатларининг аққол натижаси ҳисобланади. Ўзбекистон ва Туркменистон раҳбарларининг навбатдаги учрашуви мамлакатлар ўртасида икки томонлама ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалаларни муҳокама қилиш учун доимий мулоқот ўтказиш долзарблигини яна бир бор тасдиқлади. Бунда Тошкентнинг асосий эътибори иқтисодий ҳамкорлиқни чуқурлаштириш ва кенгайтиришга қаратилган.

Муҳокама қилинган масалалар, хусусан, Ўзбекистон — Туркменистон чегарасидаги савдо зонасини ишга тушириш, ишбилармон доиралар ўртасидаги алоқаларни фаоллаштириш, энергетика, кимё саноати ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида саноат лойиҳаларини биргаликда амалга ошириш, шунингдек, Амударёнинг сув ресурсларидан самарали фойдаланиш муҳим йўналишлар ҳисобланади.

Шу нуктаи назардан, транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга, бунда томонлар Шарқ — Ғарб ва Шимол — Жануб транспорт йўлакларини, жумладан, Туркманбоши бандаргоҳи имкониятларидан самарали фойдаланган ҳолда ривожлантиришга қарор қилди.

Стратегик шериклиқни чуқурлаштириш тўғрисидаги декларация, шунингдек, икки томонлама ҳамкорликнинг юқорида қайд этилган устувор йўналишлари бўйича қатор вазирликлараро ва идораларро ҳужжатларнинг имзолангани мазкур саммит муваффақиятли ўтганининг аққол тасдиқидир.

Ташриф аққулари бўйича эришилган келишувлар минтақаларро алоқаларни янада изчил ривожлантириш, мамлакатлар ўртасидаги маданий-гуманитар, иқтисодий ва сармовий ҳамкорлиқни мустақамлаш, энг муҳими, Марказий Осиё минтақасида хорижий компаниялар томонидан бизнесни ривожлантириш учун жо-

зибадор ва иқтисодий барқарор иқлимни шакллантиришга замин яратди, деб ҳисоблайман.

Ум Гу ХО,
Ханьян университети хузуридаги Осиё — Тинч океани тадқиқотлари маркази директори (Жанубий Корея):

Ўзбекистон ва Туркменистоннинг кўп асрлик тарихий-маънавий ришталарга асосланган қардошлиқ муносабатлари кейинги йилларда икки давлат раҳбарлари ўртасида шаклланган ўзаро ишончнинг юқсакиги билан ажр-либ туради.

Сўнгги йилларда муваффақиятли ривожланиб бораётган Ўзбекистон — Туркменистон яхши қўшничилик муносабатларига алоҳида эътибор қаратмоқчи-ман, бу бутун Марказий Осиё минтақасида ўзаро ҳамкорликнинг янги муҳитини қарор топтиришга хизмат қилмоқда.

Шу ўринда Ўзбекистоннинг янги минтақавий сиёсатини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. Республика раҳбари томонидан яқин қўшнилар билан алоқаларни фаоллаштириш йўлида ҳар томонлама пухта қўриб чиқилган қатъий қадамлар Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ўзаро яқинлашувга мустақам замин яратди.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, бугунги кунда минтақада Афғонистон билан боғлиқ янги воқелик юзага келаётган бир пайтда Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги конструктив ҳамда ўзаро фойдали ҳамкорлик нафақат икки мамлакат халқларининг узоқ муддатли манфаатларига жавоб беради, балки бир-бирини тўлдирувчи эҳтиёжлар бўйича шериклиқни янада мустақамлашга ҳам хизмат қилади. Бу улкан Марказий Осиё минтақасида тинчлик, хавфсизлик ва барқарор тараққиётни таъминлашнинг асосий омилдир.

Саммит аққулларини, хусусан, Ашхобод шаҳрида “Тошкент” боғининг очилиши, Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасида чегара савдо зонасини яратиш бўйича қўшма лойиҳанинг ишга туширилишини тахлил қилар эканман, ташриф, ҳақиқатан ҳам, самарали кечди ҳамда Ўзбекистон — Туркменистон муносабатларини янада мустақамлаш-да алоҳида аҳамиятга эга бўлди, деб ҳисоблайман.

Месут Эмре КАРАКЎСЕ,
Стратегик тадқиқотлар маркази директори, Буюк Миллат Мажлиси (парламент) эксперти (Туркия):

— Мен ушбу ташриф жараёни ва икки давлат раҳбарларининг самарали учрашувини катта қизиқиш билан кузатдим. Туркменистон пойтахтида бўлиб ўтган музокара-лар аққулари бўйича ҳам икки томонлама, ҳам халқаро майдонда яқин ҳамкорлиқни назарда тутувчи Стратегик шериклиқни чуқурлаштириш тўғрисидаги декларация им-золанди.

Ўзбекистон ва Туркменистон халқаро ҳамда минтақавий сиёсатининг долзарб масалаларида дунёдаги нуфузли ташкилотлар доирасида бир-бирини доимо қўллаб-қувватлаб келади. Ташриф чоғида томонлар БМТ, ЕХТ, МДХ, ШХТ, ТДТ ва бошқа кўп томонлама тузилмалар доира-сида фаол ҳамкорлик қилиш қатъиятини яна бир бор тасдиқлагани қувонарли ҳолдир.

Ўзбекистон Президентининг прагматик сиёсати ва сиёсий иродаси туфайли Марказий Осиё кейинги йилларда ўз салоҳи-ятини сезиларли даражада оширди.

Музокаралар кун тартибидидаги муҳим масала Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этиш бўлди. Икки давлат Президентлари ушбу мамлакатдаги вазиятни тезроқ барқарорлаштириш ва муҳим инфратузилма лойиҳаларини илгари суриш бўйича сазй-ҳаракатларини қучатиришга ҳам келишиб олдилар.

Ишончим комилки, Ўзбекистон ва Туркменистон, шунингдек, бутун жаҳон ҳамжамиятининг биргаликдаги сазй-ҳаракатлари билан қўшни Афғонистонда-ги вазият, албатта, тинч йўлдан боради.

Сулаймон ХИБЕЧИ,
«Ala Tejarat Mahad Gabous» компанияси директорлар кенгаши раиси, Эрон ёшлар жамиятининг Марказий Осиё бўйича валахотхонаси раҳбари:

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг Туркменистонга ташрифи икки давлат ўртасидаги стратегик шериклик муноса-батлари, икки мамлакат халқла-ри ўртасидаги кўп

асрлик дўстлик ва қардошлиқ ришталари-ни мустақамлаш йўлидаги навбатдаги муҳим қадам бўлди.

Ташрифни кузатар эканман, унинг дастури, қолаверса, маданий-маъри-фий жиҳатларига алоҳида эътибор қаратдим.

Бу Ўзбекистон Президентининг давлат раҳбари сифатидаги фаолиятининг илк кунларидан бошлаб Марказий Осиё минтақасида ўзаро ишонч ва яхши қўшничи-ликка асосланган янги сиёсий муҳитни яратиш, барқарор тараққиётга эришиш бўйича ўзининг биринчи ва энг муҳим ташаббусига қатъий сиёсий иродаси ҳамда содиқлигидан яна бир бор дало-лат беради.

Тошкент ва Ашхобод ўртасидаги салмоқли ҳужжатлар тўплами, жумладан, “Хо-разм — Тошхувуз” чегара савдо зона-сини яратиш бўйича қўшма лойиҳанинг ишга туширилиши қардош мамлакатлар кўп қиррали стратегик шериклиқни яна-да кенгайтириш ва ўзаро манфаатли ҳам-корлиқни сифат жиҳатидан янги босқич-га кўтариш учун мавжуд улкан салоҳият-ни рўбга чиқаришга интилаётганини кўрсатади.

Мулобағасиз айтиш мумкинки, Ўзе-бекистон раҳбари томонидан кейинги йил-ларда олиб борилаётган минтақавий та-шаббуслар минтақа тараққиёти, уни дўстлик, яхши қўшничилик, ўзаро ҳам-корлик ва ўзаро ёрдам маконига ай-лантиришда муҳим аҳамият касб этди.

Шаббир Аҳмад ХОН,
Пешовар университети минтақавий марказининг директори, профессор (Покистон):

— Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Президенти этиб сайланганидан буюн

ташки сиёсатдаги усту-вор йўналишлар бўйича ўз қарашла-рига мувофиқ, Мар-казий Осиёда минта-қавий ҳамкорлиқни фаоллаштирмоқда.

Ўзбекистон етак-чиси хавфсизлик ва ривожланиш масала-ларини мунтазам муҳокама қилиш учун минтақа давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувларини муваффақият-ли ўтказиш ташаббуси билан чиқди, бунинг натижасида Марказий Осиё республикалари ўзаро келишилган ва мувофиқлаштирилган ёндашув орқали минтақалараро савдо ва амалий ҳамкорлиқни тобора кенгайтирмоқда.

Ўзбекистон Президентининг Турк-менистонга ташрифи икки томонлама му-

носабатларга, минтақа доирасидаги умум-ий ёндашувларни илгари суришга янги суръат бағишлайди. Икки давлат раҳбарлари чегара савдоси, худудлараро ҳамкорлик, транспорт, қишлоқ хўжалиги, сайёхлик, сувдан фойдаланиш ва сано-атни ривожлантиришни алоҳида қайд этдилар.

Транспорт соҳасидаги ҳамкорлик икки давлат учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Алоқа тизимларининг интеграцияси учин-чи мамлакатлар ва минтақалар бозор-ларига кириш имконини беради. Шу нуқ-таи назардан, Ўзбекистон ва Туркме-нистон минтақа давлатлари орасида бир-инчи бўлиб Ўзбекистон — Туркмени-стон — Эрон — Умон минтақаларро транспорт йўлагини ишга туширганини қайд этишни истар эдим.

Мазкур ташриф икки қўшни давлат ўртасидаги илиқ қардошлиқ муносаба-тлари ривожига яна бир муҳим босқич бўлди.

Мигель Альварес де ЗУЛАТЕ,
Стратегик ва халқаро тадқиқотлар фонди директори (Испания):

— Ўзбекистон раҳбари беш йил-дан зиёд вақт дав-томида қўшни дав-латлар билан ҳам яхши қўшничилик, ҳам икки томонла-ма ҳамкорлик, ҳам кўп қутбли шерик-лик муносабатлари-нинг муҳим, стра-тегик масалаларини ҳал этиш учун му-носиб пойдеворни яратди.

Ўзбекистон Марказий Осиё давлат-ларининг сиёсий ва савдо-иқтисодий яқинлашув ташаббускори сифатида мин-тақада етакчи ўринни эгаллади, шунинг учун қўшни давлатлар Ўзбекистон билан бирга соҳада фаол ҳамкорлиқни давом эттириш зарур.

Муҳокама қилинган масалалар қўла-ми икки томонлама муносабатларнинг ўзига хо хусусиятини тасдиқлайди. Ўзе-бекистон раҳбарининг Туркменистонга рас-мий ташрифи икки томонлама муноса-батларни мустақамлаш йўлидаги муҳим воқеа бўлди.

Ўзбекистон қўшни давлатлар билан ҳамкорлиқни иқтисодий-иқтисодий ривож-лантиришнинг устувор йўналишлари си-фатида Марказий Осиё минтақасидаги ҳар бир давлатнинг миллий манфаатла-рига тўлиқ жавоб берадиган, сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишга интиломоқда.

«Дунё» АА.

МИЛЛАТИМИЗ ТАФАККУРИНИНГ ТИНИҚ КЎЗГУСИ

Зотан, миллатнинг яшовчанлиги ҳам, давлат-нинг мустақиллиги, барқарорлиги, жаҳон айвонида ўз сўзига эга бўли-ши ҳам, инсон қадри, ҳурмат-ёз-о-зи ҳам унинг тилига муносабат би-лан бевоқифа боғлиқ. Доншманд боболаримиз таъбири билан айт-ганда, “Тил йўқолса — эл йўқола-ди, эл йўқолса — ер йўқолади”.

Шуқриқ, миллатимиз минг йил-ликлараро шонли ўтмиши давомид-да қандай мураккаб вазиятларга, синов ва тўсиқларга дуч келмасин, ўз тилини, ўзлигини сақлаб, мун-тазам ривожлантириб келмоқда. Она тилимиз яратилиши олис та-риф билан боғлиқ ҳалқ озаки иқоди намуналариде, ажодларимиз за-косининг теран ифодаси бўлган достону термаларда, мақолу ма-талларда, шоиру ёзувчиларимиз-нинг ўлмас асарларида, миллати-миз сажхиси ва фитратиде яшаб келмоқда. Демак, халқимизнинг ру-ҳияти тирик, қалби уйғоқ, эртанги кунга ишончи ва умиди юқоқ.

Кейинги йилларда Ўзбек тили-нинг давлат тили сифатидаги ўрни-ни мустақамлаш, софлигини сақ-лаш, дунёдаги нуфузини ошириш борасида кенг қўламли ишлар қилинди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан “Давлат тили ҳақида”ги Қонун қабул қилинган куннинг улкан тарихий ўрни ва аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда, 21 октябр сажиси юртимизда “Ўзбек тили байрами кўни” сифа-тида кенг нишонланадиган бўлди.

Бу йил ҳам ушбу қадрли сана миллий гуруримиз, шаъну шавка-тимиз тантанаси, маънавият ва маърифат айёми сифатида катта байрам қилинди.

Эрта тондагон пойттахтимизда-ги Ўзбекистон Миллий боғидаги буюк мутафаккир бобомиз, она тилимиз фидойиси Алишер Навоий хайкали пойида давлат ва жамоат арбоблари, вазирлик ва идоралар, кенг жамоатчилик вакиллари, иход-кор зиёлилар, талаба-ёшлар жам бўлди.

Иштирокчилар она тилимизни юқсақ шарафларга муяссар этган мутафаккир хотирасига ҳурмат-эҳтиром рамзи сифатида Алишер Навоий хайкали пойига гуллар қўйди.

“Туркстон” саройида ўтказил-ган тантанали тадбир “Тарихим-сан, тақдиримсан, келажагимсан, она тилим!” шиори остида ташкил этилди.

Сенатор ва депутатлар, ҳукумат

аъзолари, адабиёт, фан, мадани-ят, спорт ва санъат намояндалари, тилшунос олимлар, ёшлар — муаззам саройга ташриф буюрган барча инсонларнинг юз-қўзида фахр-ифтихор, кўтаринки шуҳуқ, қувонч ва эртанги кунга ишонч туй-ғулари балқийди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбек тили байрами кўни муноса-бати билан халқимизга йўллаган байрам табригини Президент маслаҳатчиси Хайриддин Султонов ўқиб эшиттирди.

Табриқда таъкидланганидек, одамзод қалбидеги жамикки оли-жаноб фазилатлар она тилининг бетакорр муъжизаси, сеҳри ва жо-зибаси билан қамолга етади.

Халқимиз тафаккурининг тиниқ кўзгуси бўлган бу бебаҳо ҳазина-ни асраб-авайлаш ва ривожланти-риш бугунги кундаги энг шарафли вазифаларимиздан биридир.

Улуғ мутафаккир Мир Алишер Навоий бобомизнинг: “Тилга эъти-бор — элга эътибор”, деган доно ўғитларига амал қилган ҳолда, юр-тимизда тил масаласида олиб бо-рилаётган давлат сиёсати инсон қадрини улуғлашга қаратилган туб ислохотларимизга ҳар томонлама уйғун ва ҳамохангидир.

Табриқда янги Ўзбекистонни ҳар томонлама тараққий эттириш, Учин-чи юқсаки даври пойдеворини яратишга қаратилган тарихий ис-лохотлар жараёнида Ўзбек тилини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

— Миллатимизнинг бебаҳо бой-лиги, ўзлигимиз асоси, маданий ва маънавий қиёфамизни акс эттирув-чи муҳим восита, бу, шубҳасиз, она тилимиздир, — дейди Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклор институти директори, филоло-гия фанлари доктори, профессор Низомиддин Маҳмудов. — Шу маъ-нода, Президентимизнинг Ўзбек тили байрами кўни муносабати билан халқимизга йўллаган байрам табригини юрдошларимиз қўтарин-ки руҳда қутиб олди. Мамлақати-мизда кейинги йилларда Ўзбек тили янада ривожлантириш ва тил сиёсатини тақомиллаштиришга оид қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг “Мамлақатимизда Ўзбек тилини янада ривожланти-риш ва тил сиёсатини тақомил-лаштириш чора-тадбирлари тўғри-сида”ги Фармонида Ўзбекистонда давлат тилининг ўрни ва мақеини

янада юқсалтириш борасида муҳим чора-тадбирлар белгиланган. Ушбу ҳужжат асосида 2020 — 2030 йилларда Ўзбек тилини ривож-лантириш ва тил сиёсатини тако-миллаштириш концепцияси тасдиқ-ланди. Унинг асосий вазифалари мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳасида давлат тили имкониятларидан тўлиқ ва тўғри фойдаланишга эришиш, таъ-лим ташкилотларида давлат тили-ни ўқитиш тизимини янада тако-миллаштириш, унинг илм-фан тили сифатидаги нуфузини ошириш, дав-лат тилининг замонавий ахборот технологиялари ва коммуникация-ларига фаол интеграциялашувини таъминлаш ҳамда халқаро микёс-даги ўрни ва нуфузини ошириш, бу борада хорижий алоқаларни ривож-лантиришдан иборат. Айни пайтда концепцияда мамлакатимиздаги бошқа тилларни ривожлантиришга ҳам кенг ва тенг шароитлар яратиш назарда тутилган. Ушбу тарихий ҳужжат Ўзбек тилининг ҳақиқий маънода давлат тили сифатида бў-либ кўрсатишини таъминлашга хизмат қилади.

Тадбирда Вазирлар Маҳмаси-нинг Маънавият ва давлат тилини ривожлантириш масалалари депар-таменти ташаббуси асосида ташкил этилган “Қадринг бандан бўлсин, она тилим!” республика танлови ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

Танловнинг “Ўзбек тилининг ўрни ва нуфузини оширишга қаратилган энг яхши бадий асар”, “Давлат тили устуворлигини таъминлаган энг намунали ҳудуд”, “Давлат тилида иш юритиш йўлга қўйилган энг яхши ти-зим”, “Ўзбек тилини ривожлантириш-га қаратилган энг яхши илмий-амал-лий лойиҳа” йўналишлари ғолиблар-и ҳамда рағбатлантирувчи номи-нациялар соҳибларига пул мукофот-лари ва совғалар топширилди.

Байрам тадбирида Ўзбек тилини ўрганаётган хорижликларнинг мах-сус видеороликлари орқали табрик-лари намойиш қилинди. Юртимиз-да тахсил олаётган чет эллик тала-баларнинг Ўзбек тилини мадҳ эт-ган шеърлари, санъаткорларнинг соҳир куй-қўшиқлари, дилрабо рақслар кечага кўтаринкилик бағишлади.

Ўзбек тили байрами кўни муно-сабати билан ўтказилаётган маъ-рифий лойиҳалар, адабий тадбир-лар мамлакатимиз бўйлаб давом этмоқда.

Дилшод КАРИМОВ
(«Халқ сўзи»).

ҚАРДОШ ХАЛҚЛАР БИРДАМЛИГИ ИФОДАСИ

Шу йил ноябр ойда Самарқандда Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг биринчи саммити ўтказилиши режалаштирилган.

Нуктаи назар

Таъкидлаш жоизки, ушбу минтақавий ташкилотнинг тузилиши унга аъзо давлатлар ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни си-фат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиб, унинг халқаро майдондаги ўрни ва нуфузини оширди.

Туркий тилли давлатларда яшаётган халқларнинг умумий сони ҳозирги пайтда 160 миллиондан ошади. Ушбу тузилмага аъзо давлатлар ҳудуди эса қарийб 4 миллион квадрат километри ташкил этади. Туркий тилли давлатларнинг умум-ий тил ва муштарак қадриятлар бирлиги асосида шаклланган ушбу ташкилот доирасида бугунги кунда сиёсий, савдо-иқтисодий, сармовий, транспорт-логистика ва мада-ний-гуманитар соҳалардаги ҳамкор-лик жадал ривожланипти. Айниқса, инвестиция, электрон тижоратни ривожлантириш, ўзаро савдони осонлаштириш, транспорт ва транзит тартиб-қоидаларини тақомиллашти-риш бўйича муҳим келишувлар мавжуд.

Ушбу ташкилот “Турк дунёси — 2040” режасини ҳам қабул қилган. Унда аъзо давлатлар ўртасида то-варлар, капитал, хизматлар, тех-нологияларнинг эркин ҳаракат қилишига эришиш, инвестиция муҳитини тизимли тақомиллашти-риш, боғжона тартиб-таъмоилини стандартлаштириш, тариф ва но-тариф тўсиқларни қамайтириш, яро-на электрон савдо майдони яратиш, ахборот технологиялари ва технопарклар ҳамкорлиқи дас-турларини амалга ошириш кўзда тутилган. Ташкилот аъзо давлат-лар фуқаролари учун ҳам тегишли имтиёзлар яратмоқда. Масалан, Озарбайжон, Қозғистон, Қирғи-зистон ва Ўзбекистон фуқаролари Туркияда 90 кунгача визасиз бўлиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, Туркия фуқаролари Озарбайжон ва Қирғизистонда 90 кун, Қозғистон ва Ўзбекистонда 30 кун визасиз юриши мумкин.

Бу тарзда бирлашиш Кавказ ва Марказий Осиёда транспорт ҳамда энергетика йўлакларни тармоғи ор-қали савдо алоқаларини янада кен-гайтириш имкониятини яратди. Жумладан, биргаликда йирик транспорт-коммуникация лойиҳала-рини амалга ошириш, Европа,

Хитой ва Жанубий Осиё бозорла-рига чиқиш, Боку — Тбилиси — Карс янги темир йўлининг сало-ҳиятидан унумли фойдаланиш чора-тадбирлари қўрилмоқда.

Умуман, Туркий давлатлар таш-килотига аъзо мамлакатларнинг жами ялпи миллий маҳсулоти 1,5 триллион долларага етади, улар-нинг жами импорти 420 миллиард доллардан ортади, ўзаро махсулот етказиб бериш ҳажми эса 21 мил-лиард доллари ташкил этади.

БМТ билан ҳамкорликда Тур-кий мамлакатларнинг атроф-муҳит муҳофазаси бўйича тузилмасини очиш, “ақлли шахар”лар яратиш юзасидан тажриба алмашиш ва инновацияни трансфер қилиш ҳамда аъзо давлатларнинг тари-хий, илмий ва маданий меросини ўрганиш тадқиқот марказига асос солиш режалари мавжуд.

Ўзбекистоннинг Туркий давлат-лар ташкилотининг аъзоси сифа-тида қатнашиши ушбу тузилмада алоҳида аҳамият касб этмоқда. Қисқа давр ичида мамлакатимиз ташкилотнинг энг фаол аъзолари-дан бирига айланди. Президентимиз ташкилот фаолиятини янада тақомиллаштириш мақсадида жуда муҳим қуйдаги ташаббусларни илгари сурган:

биринчидан, ташкилот доираси-да савдо алоқаларини кенгайти-риш учун қулай ва жоизбадор ша-роитларни яратиш, учинчи давлат-лардан кириб келаётган махсулот-ларни аъзо мамлакатларда ишлаб чиқариш мумкин бўлган товарлар ҳисобидан қоплаш;

иккинчидан, савдо-иқтисодий ҳамкорлиқимизни янада ривож-лантириш учун “Туркий давлатлар ташкилотининг транспорт соҳаси-даги ўзаро боғлиқлик дастури”ни ишлаб чиқиш;

учинчидан, саноат кооперация-сини қучатириш мақсадида инжи-нининг ва технологиялар марказ-лари ташкил этиш;

тўртинчидан, “ақлли шахар”лар-ни барпо этиш бўйича тажриба ал-машиш ва инновацияларни транс-фер қилиш мақсадида экспертлар ва IT мутахассислари учун доимий платформа яратиш;

бешинчидан, иқлим ўзгариши ва экология муаммоларини ечиш

ҳамда углерод нейтраллигига эришиш ва “яшил иқтисодиёт”га ўтиш;

олтинчидан, “Туркий дунё туриз-ми” ва “Табаррук зиёрат” сайёҳ-лик лойиҳаларини амалга ошириш, ҳунармандчилик кўргазмалари ва этносспорт мусобақаларини ўтка-зиш, маданий мерос объектлари-ни сақлаш ва реставрация қилиш ҳамда бошқа йўналишларни қам-раб олган “Йўл харитаси”ни бир-галикда ишлаб чиқиш;

еттинчидан, Туркий тилли дав-латларнинг тарихий, илмий ва ма-даний меросини ўрганиш тадқиқот марказини ташкил қилиш.

Қайд этиш керакки, юртимиз-да Туркий давлатлар ташкилоти-нинг муҳим тадбирлари ўтказиб келинмоқда. Жумладан, Тошкент-да Ўзбекистон билан бирга Тур-кия, Қозғистон, Қирғизистон, Озарбайжон, Венгриядан 500 дан зиёд тадбиркорлар қатнашган Тур-кий тилли давлатлар Ишбилар-монлар кенгаши бизнес анжума-ни бўлиб ўтди. Ўзбекистоннинг қардош мамлакатлар билан умум-ий савдо кўрсаткичи икки баро-бар ошди.

Президентимизнинг “Туркий давлатлар билан туризм соҳаси-даги ҳамкорлиқни жадал ривож-лантириш чора-тадбирлари тўғри-сида”ги қарорининг қабул қилини-ши қардош мамлакатлар билан сайёҳлиқни раванқ топтиришни янги босқичга олиб чиқди. Туркий давлатлар билан туризм соҳасида “Замонавий Буюк Ипак йўли” сайёҳлик дастури ишлаб чиқилган ва изчил амалга оширилмоқда. Ҳозирги пайтда диёримизга ке-лаётган сайёҳларнинг 60 фоизга яқини ўз туркий мамлакат — Қоз-ғистон, Қирғизистон ва Туркия улу-шига тўғри келмоқда.

Шунингдек, “Туркий халқлар ҳунармандлиги” форуми, “Самар-қанд қозғистон жаҳон илм-фани ва халқаро иқтисодиётда тугган ўрни”, “Марғилон ипак матолари-нинг ўрта асрлар халқаро бозори-даги аҳамияти” мавзуларида кўргазма ва илмий конференция, “Дўмбира ва қўбиз”, “Чанқовуз ва сибиэга”, Туркий

ШАҲАРСОЗЛИҚДА НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАР ИМКОНияТЛАРИ Ҳисобга Олиняптими?



Сенат Кенгашида

Кеча бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенати Кенгашининг навбатдаги мажлисида айнан ушбу масала — шаҳарсозликда ноғиронлиги бўлган шахсларнинг эҳтиёжларини таъминлаш ҳамда барча ижтимоий инфра-тузилма объектиларидан монеликсиз фойдаланишлари учун мослаштириш борасидаги ишлар муҳокма қилинди.

Сенат Раиси Танзила Норбоева олиб борган мазкур мажлисда сенаторлар, тегишли вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар вакиллари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этди. Таъкидланганидек, Тошкент шаҳридаги, шу жумладан, “Обод маҳалла” дастури доирасидаги қурилиш ва лойиҳалаш ишлари 2008 йилда қабул қилинган “Ин-сонларнинг ҳаёти ва фаолияти муҳитини ноғиронлар эҳтиёж-лари ва аҳолининг кам ҳаракат-ланувчи гуруҳларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаш” тўғри-сидаги қурилиш меъёрлари ва қоидаларига қатъий риоя қилин-ган ҳолда амалга оширил-моқда.

Шундай бўлса-да, қўрилаёт-ган чораларга қарамай, ноғи-ронлиги бўлган шахсларга ин-клюзив шароитлар яратиш ма-саласида қатор муаммолар сақ-ланиб қолмоқда. Биргина пой-тахтимизнинг ўзида ижтимоий инфратузилма объектилари ва биноларнинг 85 фоизи ҳануз-гача ноғиронлиги борлар учун мослаштирилмаган.

Бу хусусда Сенат Раиси, ай-никис, халқро мезонлар талаб-ларидан келиб чиқиб, мамла-катда “тўсиқсиз муҳит”ни шакл-лантириш масаласига жи-ддий эътибор қаратиш лозим-лигига тўхтади.

— Бу борада етарлича муам-моларимиз бор. Олдинги кун-далик ҳаётимизда бундай масалаларга кўп дуч келамиз — транспортда, овқатланиш шо-хобчаларида, хизмат кўрсатиш объектиларида, маданий-кўн-гилочар муассасаларда ноғи-ронлиги бўлган шахслар учун қулай шароитлар яратилмаган. Албатта, бу вазифани бир-икки кунда урдаш қийин. Лекин бу йўналишда амалий ҳаракатлар-

ни бошлаш вақти аллақачон келган, — деди Т. Норбоева. Шунингдек, мажлис давоми-да мавжуд камчиликлар аниқ миқсслар билан изоҳланди. Жумладан, ер ости транспор-тидан қулай фойдаланиш учун тўлиқ шароит яратилмаган. Метро станцияларининг кўпла-ри пандуслар билан жиҳозлан-маган, бу эса шаҳарсозлик меъёрлари талабларига жавоб бормайди.

Ноғиронлиги бўлган шахс-лар томонидан шаҳар ер усти транспортдан мустақил фой-даланиш имконияти тўлиқ яратилмаган. Айникис, арава-чалар ёрдамда ҳаракатланиди-ган ноғиронлиги бўлган шахс-лар, кўзи оғизлар ва қўлига оғир фўқароларнинг эркин ҳаракатланиши учун жамоат транспортининг мослашмагани ай-тиб ўтилди.

Жамоат жойларида ноғиро-нлиги бўлган шахслар учун за-рур эшитиш ва кўриш маъ-лумотлари, жумладан, рельеф нўқтали Брайль шрифтида таъйёрланган кўрсаткич ва белгилар мавжуд эмас.

Мажлисида шу ва бошқа бир қатор ҳолатлар юзасидан масъул ташкилот вакиллари-нинг муносабатлари эшитилди ва ушбу ҳолатларни бартараф эт-иш юзасидан тегишли вази-фалар белгиланди.

Қурилиш ва реконструкция объектиларини давлат қабул ко-миссиялари таркибига Ноғи-ронлар жамияти, Ноғиронлар ассоциацияси, Карлар жамия-ти ва Кўзи оғизлар жамияти вакиллари киришти, ноғиро-нлиги бўлган шахслар томони-дан кўп фойдаланиладиган амалдаги ижтимоий ва транс-порт инфратузилма объекта-рини реконструкция қилиш ма-салаларини ўрганиш ҳамда жа-моат автобусларини ноғиро-нлиги борларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб, босқинча-босқин янгилаш масалаларини кўриш шулар жумласидандир.

Ушбу вазифалар юзасидан аниқ муддатлар белгиланиб, мажлис якунида Сенат Кенга-шининг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ГОЛИБЛАР КЕЙИНГИ БОСҚИЧГА ЙЎЛЛАНМАНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ

Шу кунларда Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитаси, Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси, Оила ва хотин-қизлар давлат кўмитаси ҳамда Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадида жамғармаси ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган “Йил аёли” танловининг туман (шаҳар) босқичлари давом этмоқда.

Танлов

Хозирги кунга қадар мазкур танлов пойтахтимизнинг Юнусобод тумани, Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳри ва Пискент тумани, Бухоро вилоятининг Пешку ва Когон туманларида юқори савияда ўтказилди. Эътиборли, уларда жами 600 нафардан ортиқ хотин-қизлар фаол қатнашди.

Ғолиб бўлган ола-сингилларимиз ушбу танловнинг кейинги босқичига йўлланма-ни қўлга киритди.

Эслатиб ўтамиз, танловнинг ҳудудий босқичларида унга ўрин

эгалари ҳамда “Йилнинг энг илгор тадбиркори аёли”, “Йилнинг энг яхши уй бекаси”, “Йилнинг энг ватанпарвар аёли”, “Йилнинг энг фаол олима аёли”, “Йилнинг энг яхши иқод-кор аёли”, “Уз қасбонинг уста-си бўлган йил аёли”, “Йилнинг энг қўли маънавий-маърифий тарғиботчиси”, “Йилнинг энг жонқуяр устози”, “Йилнинг энг фаол соғлом турмуш тарзи тарғиботчиси”, “Йилнинг энг янги ғоялар ташаббускори”, “Йилнинг энг яхши IT-дастурчи аёли” каби номиниациялар бўйича ғолиблар саралаб олинмоқда.

«Халқ сўзи».

ФИТОСАНИТАРИЯ ТАЛАБЛАРИНИ БУЗГАНЛАРГА ЧОРА КЎРИЛАДИ

Айни кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари кўмитаси аъзолари “Ўсимликлар карантини тўғрисида”ги Қонунда белгиланган вазифаларининг жойлардаги ижроси билан танишиш мақсадида Самарқанд вилоятида назорат-таҳлил тадбирларини олиб бормоқда.

Назорат

Мазкур жараёнда депутатлар Самарқанд вилоятининг Булунгур, Жомбой, Тайлоқ туманларида ўсимликлар карантинида оид қонун ижроси, фито-санитария талабларининг бажарилиши, фитосанитар хавфсизликни таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишларни ўрганишяпти.

Қайд этилганидек, ҳудудда жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 736,5 минг гектар майдонда фитоса-нитар дала назорати ишлари олиб бо-рилган, 35651 донга дала назорати да-лолатномаси белгиланган тартибда расмийлаштирилган.

Ўтказилган дала назорати натижа-лари бўйича етиштирилган фитоса-нитар тоза кишлоқ ҳўжалиги маҳсулот-ларига 3776 донга ички фитосанитария

АЁЛНИ ЭЪЗОЗЛАШ – ЭЗГУЛИК ВА АДОЛАТ МЕЗОНИ

Мамлакатимизда гендер тенглик, хотин-қизларнинг ҳуқуқ-манфаатларини таъминлаш масаласида салмоқли чора-тадбирлар амалга ошириляпти. Айнан ана шундай тизимли ишлар натижалари юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фўқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси томонидан ўтказилган эшитувда батафсил ахборот берилди.

Эшитув

Олий Мажлис Қонунчилик палата-си Спикерининг биринчи ўринбосари А. Саидов тадбирни очар экан, дунё-да хотин-қизлар сиёсатини олиб бо-риш йўлида Ўзбекистон тажрибаси-нинг ўзига хослиги, янги Ўзбекистон-да “гендер сезувчан парламент”и шаклланишининг Руанда пойтахти Кигали шаҳрида бўлиб ўтган Пар-

ламентлараро Иттифокнинг 145-Ас-самблеясида алоҳида эътироф этил-ганига тўхтади.

Таъкидланганидек, хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувват-лаш, улар билан манзилли ишлаш мақсадида “аёллар дафтери” тизими жорий этилиб, Давлат бюджетидан ҳар йили 300 млрд. сўм маблағ ажратиш йўлга қўйилди. Бу билан Ўзбекистон-да гендерга йўналтирилган бюджет шаклланди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ФРАКЦИЯЛАР АЪЗОЛАРИ ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИНИ ТАҲЛИЛДАН ЎТКАЗДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзЛиДеП ҳамда “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияларининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 2022 йилнинг ўтган тўққиз ойида бажарилиши юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи эшитилди.

Депутатлар Давлат дастури ижросини партия мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда муҳокма қилиб, асосан, иқтисодиётини жадал ривож-лантириш ва юқори ўсдиш су-ратларини таъминлаш, адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, ин-сон капиталини ривожлантириш-нинг устувор йўналишлари бўй-ича амалга оширилган ишларни кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, инклюзив ва барқарор иқтисодий ўсишга эришиш орқали камбағаллики икки баробар қисқартириш, иқтисодиётда рақобатни таъ-минлаш, тадбиркорлик субъект-ларига тенг шароитлар яратиш, бозор муносабатларига тў-лақонли ўтишни жадаллаштириш бўйича ҳам кенг қўлламли иш-лар қилинди.

ЎзЛиДеП фракцияси аъзолари 69,3 мингдан зиёд янги савдо ва сервис объекта-ри ишга туширилгани, 1005 минг нафар аҳолининг бандлиги таъ-минлангани, қўшма савдо фео-лияти учун 35,3 мингга ер май-донни ақциясига чиқарилганини юқори баҳолашди. Шу билан бирга, 6,1 трлн. сўмлик 41 та йирик савдо маркази, 377 млрд. сўмлик 15 та ҳудудий логистика маркази, йирик туман (шаҳар)-

лар ҳамда чегараолди ҳудудлар-да замонавий савдо марказла-ри, 254 та марказий кўчада 10,4 мингта янги савдо-сервис объектини очиш орқали 24 соат фаолият юритадиган мақсус сав-до ва хизмат кўрсатиш қўчалари-ни ташкил қилиш чоралари қўрилаётгани эътироф этилди.

Йиғилишда келтириб ўтилга-нидек, нодавлат таълим хизмат-лари кўрсатувчи ташкилотларга шароит ва имкониятларни кен-гайтириш орқали уларнинг улу-шини 2022 йилда 3 фоизга ет-казиш бўйича амалий чора-тад-бирлар режасига асосан ҳисо-бот даврида нодавлат таълим фаолияти билан шуғулланиш учун 260 та лицензия берилган ва ушбу фаолият билан шуғул-ланувчи нодавлат таълим таш-килотлари сони 5 779 тага (ўтган йилдагига нисбатан 17 фойз ўсди) етди.

Ўзбекистон “Миллий тик-ланиш” демократик партия-си фракция аъзолари ҳисобот даврида 2026 йилга қадар ўқув дастурлари ва дарс-ликларни илгор хорижий тажри-ба асосида тўлиқ қайта қўриб чиқиб, амалда жорий этиш мақ-сади бўйича миллий ўқув дасту-рига асосан 2022/2023 ўқув йили учун 296 номдаги янги дарслик-

лар, машқ дафтарлари, ўқитувчи методика китоблари яратилгани ва 2021/2022 ўқув йилида яратилган дарслик, машқ даф-тери ҳамда ўқитувчи учун мето-дик қўланмалар Тошкент шаҳ-ри ва Тошкент вилоятининг 11 та тумани, 14 та таянч таж-риба-синов мактабида 84 нафар экспериментатор ўқитувчи ёрда-мида тажриба-синовдан ўтказил-ганини алоҳида қайд этди.

Шунингдек, “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали эркин ва иқодий фикрлайдиган ёшларни нудфузи хорижий олийгоҳларга ўқишга юбориш қўлами 2 бара-вар ошгани юқори баҳоланди. Бунда иқтидорли ва иштиқобли 140 нафар ёш “Жамғарма сти-пендиати” деб эътироф этилди ҳамда шундан 46 нафари АКШ, Буюк Британия, Канада, Россия ва Германия каби давлатларга таълим олишга юборилди.

Фракция аъзолари Давлат дастурида назарда тутилган тад-бирларнинг ижросини таъмин-лаш борасида амалга оширил-ган ижобий ишларни эътироф этиб, айрим бандларнинг бажарилиши кечикаётганини танқид остига олдилар.

Йиғилишда Ҳўкумат томони-дан тақдим этилган ҳисобот фракциялар аъзолари томони-дан атрофлича қўриб чиқилди. Бу борада депутатлар ўз нўқтаи назарини, фикр-мулоҳазалари, тақлиф ва тавсияларини беришди.

Савол-жавобларга бой бўлган йиғилишда Давлат дас-турининг 2022 йил 9 ойлик иж-роси юзасидан Вазирлар Маҳ-камасининг ҳисоботи маъқул-ланди.

ИЖТИМОЙ ВА ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР ЕЧИМИ

Парламент кўйи палатасидаги “Адолат” СДП, Ўзбекистон ХДП ҳамда Ўзбекистон Экологик партияси фракцияларининг қўшма йиғилишида ҳам Давлат дастурининг тўққиз ойлик ижроси бўйича Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи муҳокма қилинди.

Йиғилишда Давлат дастурининг ижроси юзасидан фракциялар аъзолари томонидан аниқлаштирувчи саволлар берилди. Хусусан, “Адолат” СДП фракцияси аъзолари аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат си-фатини ошириш, бюджет маблағларидан са-марали фойдаланиш, тиббий хизматларни марказлаштириш ва аҳолини тиббий суғу-р-талаш амалиётини жорий қилиш, шу жумла-дан, марказлашган лаборатория, стерилиза-ция ва юқори технология текширувлар тиз-мини ташкил этиш ҳолати бўйича савол би-лан мурожаат қилиди.

Бундан ташқари, дори-дармон ва тиббий буюмлар муомаласини тартибга солиш ҳамда аҳолига арзон ва сифатли маҳсулотлар етказ-иб бериш тизимини такомиллаштириш, жум-ладан, электрон рецепт тизимини мукамал-лаштириш ва кенг жорий қилиш, нарқларга риоя этилишини онлайн қўзатишининг ахбо-рот тизимини яратиш борасидаги амалга оширилаётган ишлар ҳолати муҳокма мар-казида бўлди.

Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзола-ри эса кейинги йилларда мамлакатимизда давлат дастурларини шакллантиришда халқ билан бамаслаҳат ҳолда, ҳудудлардаги ижти-моий масалаларни самарали ҳал этишга, иж-тимоий соҳанинг барқарорлигини таъминлаш-га, эҳтиёжманд қатлам вакиллари-ни ҳар то-монлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эъти-бор қаратилаётганини алоҳида таъкидлашди.

Масъуллар томонидан кам таъминланган оилалар билан манзилли ишлаш тизимида ин-сон омилини кескин камайитириш, “темир даф-тар”, “ёшлар дафтери”, “аёллар дафтери”ни “Ижтимоий ҳимоя ягона реестрига” интегра-ция қилиш мақсадида “Темир дафтар” ахбо-рот тизими билан тўғридан-тўғри интеграция қилиш ишлари амалга оширилганилиги, бу жа-раёнда Халқ демократик партиясининг аввал-ги ҳисоботлар муҳокамаси вақтида берган тақ-лифлари инобатга олингани эътироф этилди.

Муҳокма вақтида аҳоли бандлигини таъ-минлаш, янги иш ўринларини яратиш, касб-



хунарга тайёрлаш масалалари алоҳида эъти-борда бўлди.

Ўзбекистон Экологик партияси фрак-цияси аъзолари экология ва атроф-муҳитни муҳофиза қилиш, шаҳар ва туманларнинг эко-логик аҳолини яхшилаш, “Яшил макон” уму-мийлиқ лойиҳасини амалга ошириш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш бораси-даги ишларга алоҳида эътибор қаратдилар.

Хусусан, “Яшил макон” умуимийлиқ лойи-ҳаси доирасида жорий йилнинг баҳор мавсу-мида жами 126,4 млн. тул мевали ҳамда ман-зарали дарахт кўчати экилган. Шунингдек, шу йил куз мавсумида яна 75 млн. тул манзара-ли ҳамда бутта кўчати, қаламчаларини экиш режалаштирилган. Жорий йилдаги мораторий натижасида 306,8 минг тул дарахт кесилиши-нинг олди олинди.

Чиқиндилар билан ишлаш йўналишида 79 та туман ва шаҳар хусусий шерикларга бирикитрилиб, унинг улуғи 52 фоизга еткази-лди, 22 та чиқинди полигони рекултивация қилинган ва 8 та чиқинди полигони фаолияти тўқтатилган. Аҳолини санитар тозалаш хизма-ти билан қамров 93 фоизга, чиқиндиларни қайта ишлаш 29,6 фоизга етказилган. Ўтган даврда аҳолини тоза ичимлик суви ҳамда оқова сув тармоғи билан таъминлаш бўйича қилин-ган ишлар ҳам эътироф этилди.

Йиғилишда фракциялар аъзоларининг тақ-лифлари асосида Давлат дастурининг ижро-си юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисо-боти маъқулланди.

«Халқ сўзи».

Тақдимот

«МУЛЬТИИНДИКАТОР КЛАСТЕР КУЗАТУВЛАРИ» НИМА ВА У ҚАНДАЙ НАТИЖА БЕРМОҚДА?

Куни кеча пойтахтимизда Давлат статистика кўмитаси ҳамда Биравшан Миллатлар Ташкилоти Халқро болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида “Мультииндикатор кластер кузатувлари”нинг (МКК) дастлабки натижалари бўйича тақдимот ўтказилди.

Мультииндикатор кластер кузатуви ЮНИСЕФ томонидан ишлаб чиқилган уй ҳўжаликларининг танланма кузатув ҳалқаро дастури бўлиб, асосан, болалар ва аёллар ҳолатини халқро даражада таққослаш имконини берувчи кўп қўрсаткичи маълумотларни тўплайди. У 1995 йилдан бошлаб дунё бўйича 118 та давлатда ўтказилган. Ушбу кузатувларда она ва бола соғлиги, аёллар репродуктив соломатлиги, болалар ҳуқуқлари ва уларнинг таълим олиш даражаси, соғлом ва жисмоний ривожланиш каби статистик қўрсаткичлар жамланган.

Тақдимотда қатнашган Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева томонидан таъкидланганидек, мультииндикатор кластер кузатуви болалар, ёшлар ва аёллар тўғрисида қўқур ўрганилган маълумотларга эга бўлиш, аҳолининг ушбу қатламлари эҳтиёжларини қондиришга қаратилган мақсадида дастурларни ишлаб чиқиш, тегишли қўнунчиликни такомиллаштириш ва ижтимоий сиёсат борасидаги ишловларни янада изчил амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, ушбу кузатувлар натижалари миллий бюджет инвестицияларини мақсадили йўналтириш, болалар манфаатларига салбий таъсир қиладиган омилларнинг тўб илдиэларини аниқлаш ва ҳал этишга йўналтирилган дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни оқилона баҳолашда қўл келлади.

Табдирда Ўзбекистонда болалар ва аёллар билан боғлиқ ҳолатнинг барқарор ўсишини кўрсатди. Хусусан, болалар ўлими камайиб бормоқда, мактабга таълим кўрсаткичи кескин ошган, болалар соломатлиги ва таълим соҳасида хизматлар даярили барча жойда таъминланмоқда. Масалан, 2 — 4 ёшдаги болаларнинг 96 фоизи соломатлиқ, ўқуш ва психо-ижтимоий фаровонлик нўқтаи назаридан нормал ривожланишга эга. Бу минтақамиздаги энг юқори кўрсаткичлардан биридир.

Иштирокчилар томонидан айтилишича, МКК мамлакатда муҳим стратегик ижтимоий-иқтисодий қарорларни қабул қилишда мустаҳкам асос бўлади. Айникис, кузатув натижаси бўйича берилган тақлифлар қўнунчиликда, Президент ва ҳўкумат даражасидаги қарорларда ўзининг фидосини топади. Айни чоғда Барқарор ривожланиш соҳасидаги мақсад ва вазифаларга тегишли бўлган 20 дан ортиқ индикатор кўрсаткичлари шакллантирилишда ҳам муҳим омили бўлиб хизмат қиладди.

Анжуман якунида МККни олиб бориш жараёнида нодавлат нотихорат ташкилотлари ҳамда фўқаролик жамияти институтлари, фаол фўқаролар ва оммавий ахборот воситаларининг ўрни муҳим аҳамият касб этиши алоҳида урғуланди ҳамда бу борада конструктив мулоқот ва ўзаро самарали ҳамкорлиқни йўлга қўйиш юзасидан келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

Мушоҳада

Илм-фан, таълим ва тарбия азал-азалдан ҳар бир мамлакатни қудратли, ҳар бир миллатни буюк қиладиган куч ҳисобланган. Инсоният тамаддунининг маълум босқичларида қайсидир давлат ёхуд миллат ўз тараққиётида қанчалик илдам одимлаган бўлса, ўша жамиятда таълим тизимига шунчалик давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилганини тасдиқлайди.

Жорий йилнинг 11 майда Президентимизнинг “2022 — 2026 йилларда халқ таълимини ривожлантириш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Ушбу тарихий ҳужжат мактаб ўқувчиларининг билими ва кўникмаларини шакллантириш, уларни миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга содиқлик руҳида тарбиялаш, ўқитувчи касби нуфузини ва педагогларнинг сифат таркибини ошириш, дарсликлар ва ўқув методик жамуаларни замон талаблари асосида такомиллаштириш, халқ таълими муассасаларининг халқаро стандартларга жавоб берадиган замонавий моделларини барпо этишдек улугвор мақсадларга хизмат қилади.



Унга кўра, эндиликда умумтаълим фанлари бўйича тегишли даражадаги сертификатга эга бўлган педагог кадрларга, шунингдек, халқаро стандартлар талабларига жавоб берадиган миллий баҳолаш тизимида олинган сертификатга эга бўлган педагог кадрларга уларнинг таъриф ставкасига нисбатан 50 фоиз миқдорида, Давлат тест марказининг миллий тест тизимида олинган сертификатга эга бўлган педагог кадрларга эса уларнинг таъриф ставкасига нисбатан 20 фоиз миқдорида ҳар ойлик қўшимча устама тўланиши белгилан кўйилди.

Тизимдаги бу каби ўзгаришлар яқин фурсатларда мукамал, дунё стандартларига тўлиқ жавоб бера оладиган ва хатто айрим мамлакатлар андоза оладиган миллий таълим дастурига эга давлат сифатида эътироф этилишимиз учун замин яратилишига ишончимиз комил. Шу билан бирга, бугун дунёдаги етакчи мамлакатларда халқнинг фаровонлиги, амалдаги қонунга ҳурмат, толерантлик, гўзал ҳулқ, ҳисомий комиллик — барча-барча ютуқлар замирида таълим ва тарбияда жамиятдаги жами бўйинларнинг уйғунликидаги фаолияти туришини ҳам унутмаслик лозим.

Маънавият моддиятдан устун

Дарҳақиқат, таълими тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди. Ҳаётни маорифга бағишлаган Абдулла Авлоний “Дарс ила тарбия орасида бир оз фарқ бор бўлса ҳам, иккиси бир-биридан айрилмайди, бирининг вужуди бирига бойланган жон ила тан кабилдир”, дея таъкидлаганида минг бора ҳақ эди. Шундай экан, таълим ва тарбия фақатгина давлат зиммасидаги жараён эмас, балки бутун жамиятнинг масъуллиги ҳисобланади.

Янги тарихимизда таълим миллий юксалишимизнинг бош омили сифатида белгиланиб, мактабгача таълим тизимига узлуксиз таълим-

нинг бирламчи, энг асосий бўғини сифатида эътибор қаратилмоқда. Қисқа вақтда ўғил-қизларимизни таълим ва тарбиянинг мазкур босқичига қамаиб олиш бўйича мисли кўрилмаган натижаларга эришилди. Мактабгача таълим муассасаларида бугун болаларимиз ҳарф таниб, тил ўрганишмоқда, ташкил этилган “яшил бурчак”лар орқали она заминда ўз масъулиятини ҳис қилиб улғаймоқда. Буларнинг ҳар бири шунчаки, кунни кеч қилиш учун эмас, балки мурғак ёшданок болада шахсни тарбиялаш мақсадида амалиётга татбиқ этилган дастурки, уларнинг тақомили устида бутун бошли институтлар ишлади ва ишламоқда.

Мазкур жараёнларда ота-оналаримизнинг иштироки қандай, деган ҳақли савол турлади. Афсуски, бунга қониклар жавоб олишимиз мускул. Шу ўринда ҳар биримиз кўп кузатган бир ҳолатни мисол сифатида келтирсак. Аксарият ота-она боғчадан қайтган фарзандидан кўпинча “Тушиқда нима единглар?” деб сўрашади. Албатта, бунинг ўз сабаблари бор ва шу саволни берган ота-онани қораламоқ фикридан асло йироқмиз.

Бирок фарзанднинг гастрономик иштаҳаси билан қизиққан ота-она унинг маънавий-маърифий “иштаҳаси”ни очиш, қаноатлантириш ниятида бирор-бир чора кўрмаётгани, уйда унинг таълим ва тарбияси деярли бекор қолаётгани кишини ташвишга солади. Ақсинча, такаб-бурлик, кимзўрлик каби иллатлар бугун нафақат боғча, хатто туғруқхона остонасидан кўзга ташланаётгани ачинарли ҳол. Ҳашаматли тўйхоналарда суннат болани тойга миндириш маънавиятимизга, тарбиямизга нима беради? Китоб совға қилиб, болани рағбатлантиргани учун раҳбарларнинг ихтимоий тармоқлар орқали изза қилиниши-чи?

Яқинда ихтимоий тармоқларда ота-она ва МТТ жамоаси ўртасидаги жанжал кенг муҳокама қилинди. Зиддият фарзанднинг ётоқхона деразаси ёнига жойлаштирилганидан онанинг норозилиги сабаб келиб чиққан. Болалар кўз ўнгиде бир-би-

рининг сочини қолишгача етиб борган ушбу ҳолат тарбияланувчилар руҳиятида қандай из қолдирганини тасаввур этиш мускул.

Албатта, ҳар кимнинг фарзанди ўзи учун азиз. Унинг келажагида ҳар бир ота-она ўзининг эртанги кунини кўради, унинг нурафшон бўлиши учун интилади. Жисмини қилт этган шамолдан муҳофаза қилади. Бирок бола маънавий оламини химоя қилишга келганда ўз ҳолига ташлаб қўйиш ҳолатлари ҳам учраб турадики, бунга қуйроқда батафсил тўхта-ламиз.

Ҳар бир

ота-она — устоз

Қадим таомил шукки, ҳар бир юрдошимиз фарзанди мактаб ўшига етгач, уни хат-саводли қилиш ташвишга тушади. Шунинг ортида фарзанди қамолтини кўриб, аввало, унинг ҳеч қимдан кам бўлмаслиги, ҳаёт аталмиш умр йўлида қоқинмай-суринмай яшашни таъминлашга интилади. Соддароқ айтсак, унинг таълим олиб, ўқимлиши ва илмли бўли-шини истади.

Бош қомусимизда ҳам мамлакатимизда “Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан қафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир”, дея таълим инсоннинг энг олий ҳуқуқи сифатида белгилан кўйилган. Мазкур ҳуқуқи мулқани таъминлаш йўлида мамлакатимизда таълим соҳасида кейинги йилларда амалга оширилётган ислохотлар, бартараф этилаётган муаммоларни санаб адоғига етиш мускул. Биргина мисол, республикамизнинг олис ҳудудлари умумтаълим мактабларида педагог кадрлар етишмовчилигини бартараф этиш мақсадида юзлаб ўқитувчилар имтиёз ва рағбат ёрдамида сафарбар этилди, минглаб ёшлар, айниқса, хотин-қизлар давлатимиз томонидан яратилган имтиёз асосида олий ўқув юртиларига грант асосида ўқишга қабул қилинди.

Таълим сифатини ошириш мақсадида Япония, Финляндия, Германия каби ривожланган мамлакатларнинг илгор педагогик технологиялари жорий этилмоқда. Ўқитувчилар елкасидаги турли юктамалар, текшир-текшир, қорғозбоқилар олиб ташланди, мажбурий меҳнатнинг барча кўринишлари бажарам берилди. Эришилган натижаларга қараб аниқ манзилли рағбатлантириш жорий этилди.

Муҳими, белгиланган марра — янги Ренессанс сари ташланаётган одим илдамлашмоқда. Бирок мазкур жараёнларда оила, турғирои, фарзанди аржуманд ота-онасининг иштироки қай даражада бўлмоқда.

Аҳён-аҳёнда бўлса-да, учраб турадиган бир ҳолатга тўхталайлик. Айтайлик, уйга вазифани ўзи уладлаб, бажара олмаган бола эрталаб мактабга бормайман, деб йўналишнинг кўп бор гувоҳи бўлганмиз. Мактабдан кўнгли қолганидан эмас, масъулият, устоз қаттиққўлиги, тенг-

қурлари олдида изза бўлиш ҳисси уни шунга мажбур этади (бу каби ҳолатларга бепарволар қанча). Афсуски, аксарият ота-оналар бундай ҳолатда болага босим ўтказди.

Мактаб дастури оғирлашиб кетгани, ўзидан ортамаётганини ҳеч бўлмаса дилидан ўтказиб, фарзанди таълимига эътиборсизлигини хаспўшлаб, таскин топади. Ўзининг кун тартибиде бола таълими ва тарбиясига ажратган вақтини таҳлил этишни, устоз қирқ беш дақиқа бағишлаган мавзуга 15 дақиқа ажратиб, бола онгиде уни мустақамлашга ёрдам бериши эса хаёлига ҳам келтирмайди. Аслида уйга вазифани ота-она кўмагида аялго баҳарган бола шундан мотивация олади. Устозидан олқиш олишини тасаввур этиб, мактабга ошққади.

Бугун ўқувчиларнинг репетиторга боришга мажбур бўлаётганида фақат таълим тизимининг эмас, ота-онанинг ҳам “ҳисса”си бор. Қолаверса, ҳар бир репетитор ўз репутациясини ўйлаб, ҳар доим боланинг базавий билимининг синовдан ўтказиб қабул қилишини ёддан қармаслик лозим. Шундай экан, таълимнинг ўрта умумий босқичида ота-онанинг иштироки, масъулияти нияҳтда муҳим. Ҳар бир оилда ота-она кун тартибини қайта кўриб чиқиб, айниқса, кечки пайт фарзанди таълим-тарбияси учун вақт ажратиши шарт.

“Учи”ни қўйиб беринг!

Қабулимизга қарманалик аёл келиб, институтимизнинг домларидан бири фарзанди “учи”ни қўйишга амалий ёрдам беришимизни илтимос қилди. Суриштириб-ўрганганда, талаба дарсларга деярли қатнашмаган. Ўзлаштириши ҳам паст эканлиги аниқланди. Деканатнинг бир неча бор ёзма эътирозлари ота-она томонидан ҳам эътиборсиз қолдирилган.

Аёлни институтимиздаги кейинги йиллардаги ўзгариш ва янгилашлар билан таништирдик. Таълим дарғоҳимиз моддий-техника базасининг илгари қандай бўлиб, бугунги кунда қандай имкониятларга эга эканлиги, дунёнинг энг йирик кутубхоналари билан онлайн алоқаларимиз ҳақида ҳикоя қилиб, мазкур шароитлардан фойдаланган ҳолда халқаро танловларда гобиликни кўлга киритган талабалар

Ҳеч бўлмаса, ҳафтада бир марта вақт ажратиб мактабга борган ота-она фарзанди тарбиясидаги ўзгаришларни тезда сезади. Шунингдек, ўқитувчининг жиндек хатосини ихтимоий тармоқларда дoston қилган ота-она ҳам жамиятнинг чинакам жонқуяри эмас. Башарти, устоз ота-она макрида экан, унинг ўзига ҳам бу каби муносабат, албатта, қайтади.

Шунинг учун ҳам Навоий ҳазратлари “Агар шогирд шайхўлислом, агар қозидир, агар устоз рози — Тангри розидур!” дея икки дунё саодатини устозга эҳтиромда деб билган.

Замонамизнинг устоз ва мураббийлар олдиға қўяётган талаби бисёр, давлатимиз бу борада ҳар томонлама кўмак бериб, қўллаб-қувватламоқда. Шундай экан, ота-онанинг мактабга гул кўтариб минг бор борганидан, фарзанди таълим-тарбиясидан ташвишланиб бир бор боргани афзалроқ,

Баҳодир СОБИРОВ,

Навоий давлат педагогика институти ректори.



иштирокида суҳбат ташкил этдик. Она мана шундай қўлай шарт-шароитлардан фарзанди ҳам фойдаланиши ва салоҳиятини намойён этиши зарурлигини англади. Бу йўлда ўғлига имкон қадар ёрдам бериш ва уни қўллаб-қувватлаш истаги уйғонди. Ва нияҳт талабаға яна бир имконият бериб, бир ҳафтадан сўнг имтиҳонни қайта топширишига руҳсат этилди. Талаба баҳосини ўз билими ва интилиши билан олди.

Мазкур ҳолат ягона ёки онда-сонда учраганида унга алоҳида тўхталиб ўтирмасдик. Ҳиссадан ҳисса шуки, оила ва таълим дарғоҳи орасидаги муносабатлар ОТМ фаолиятида ҳам муҳим аҳамиятга эга. Афсуски, аксарият ота-оналаримиз талабалар сафидан ўрин олган фарзандларини тўлиқ мустақил, ҳаётда ўз ўрнини топиб олган киши сифатида тасаввур этишади. Бир имконини қилиб дипломи бўлса, бас, деб ўйлашади. Ҳаётда эса мезонлар кун сайин ўзгариб бормоқда. Ҳатто оддий сотувчидан ҳам креатив гоьлар талаб этиладиган замонларга етиб келдик.

Бугун айрим юрдошларимизнинг таълимидан норозилик кайфиятини ҳам инкор этолмаймиз. Боз устига, баззи кишиларнинг собиқ иттифок замонидаги таълим тизимини макташи, “Ундан бекор воз кечилди”, деган эътирозлари ҳам қулгоғимизга қалиниб туради.

Модомики, опонентлар бугунги ўтмиш билан солиштиришни мезон сифатида танлашган экан, асримиз интелекти билан ўтган асрнинг етмишини йилларидеги тараққиётни ҳам қўйсалаб, нималар изимизда эканлигини ёдға олайлик. Биз компьютернинг “Pentium 4” варианты технологиясини четдан келтириб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйганимиз, бунинг учун инвестиция йўналтиришимиз мумкин.

Лекин интелектимиз етишмаса, икки-уч йилдан сўнг бу процессорларнинг ҳеч қимға қерағи йўқ, Икти-содиётимиз эса кун сайин дунё ишлаб чиқаришига интеграциялашиб бормоқда. Таълим тизими ҳам худди шундай, яъни ҳар қандай илгор технология мунтазам тақомилни талаб этади.

Бугун таълим тизими олдиға халқаро стандартлар асосида ривожланиш, ўқув-тарбия жараёнига илгор хорижий тажрибалар, инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, ўқувчиларга замонавий касб-хунарларни ўргатиш, уларнинг интелектуал салоҳиятини юксалтиришдек улкан вазифалар қўйилган.

Хулоса қиладиган бўлсак, устоз ва мураббийларга энг катта эҳтиром аслида оиланинг, ота-онанинг фарзанди таълимига, тарбиясига эътиборсиз бўлмаслигидир. Шу эҳтиром орқали ёшлар илмда ва касбу ҳунарда юқори мартабаларга эришади, касбнинг бараксига сазовор бўлади. Болага фақат “Дарсингни қил!” дейиш эса тарбия эмас.

Реклама

ҚУРИЛИШ СОҲАСИГА ТУРКИЯЛИК ИНВЕСТИТОРЛАР ЖАЛБ ҚИЛИНАДИ

Президентимизнинг 2021 йил 9 июндаги “Худудларнинг саноат салоҳиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида маҳаллий саноат тармоқлари, жумладан, қурилиш материаллари индустриясини ривожлантиришда хорижий экспертларни жалб қилиш вазифаси алоҳида белгилан берилган.



Молия муассасаларида

Қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш бўйича кенгаш томонидан ушбу ҳужжат талабларидан келиб чиқиб қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Туркия олий ўқув юртилари, инжиниринг ва ишлаб чиқариш компаниялари билан фаол ҳамкорлик йўлга қўйилган, “Тадбиркорлар мактаби” ўқув марказида ҳамкорликда ўқувлар ўтказиб келинмоқда.

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ бошқаруви раиси — Қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш бўйича кенгаш раиси Сахи Анналичевнинг Туркия Қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчилари уюшмаси бошқаруви кенгаши раиси Тайфун Гучук ўғли билан бўлиб ўтган учрашувда ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди.

Хусусан, мулоқот чоғида Ўзбекистон қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасини тубдан ислох этиш ва янги босқичга олиб

қиқишда Туркия тажрибасини қўллаш масалалари юзасидан фикр алмашилди. Худудларда ташкил этилган қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва уй-жой қурилиш клас-терларига туркиялик инвесторларни жалб қилишни кенгайтириш бўйича доимий ҳамкорлиқни йўлга қўйиш юзасидан келишиб олинди.

Маълумот ўрнида. Туркия Қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчилари уюшмаси 1984 йилда ташкил этилган. Ҳозирда Брюссель ва Камерунда ваколатхонасига эга бўлиб, умор орқали Европа комиссияси томонидан молиялаштирилган лойиҳаларни бошқариб келади.

Туркия қурилиш материаллари экспортнинг 75 фоизини ушбу уюшма аъзолари ҳиссасига тўғри келади.

Банк ахборот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ ЛОЙИҲАЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Тадбиркорлик иқтисодиётнинг драйвери, тараққиёт таянчи ҳисобланади. Шу маънода, кейинги йилларда мамлакатимизда тадбиркорлик секторини ривожлантириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, бизнесменларга эса барча зарур қулайлик ҳамда имтиёзларни тақдим этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.



Бозорни рағбатлантириш, бандлиқни таъминлаш, деганда ҳам айнан кичик бизнес вакиллари, ишбилармонлар, уларнинг лойиҳалари кўз олдимизга келади. Биргина оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурини олайлик. Бу борада “Агробанк” АТБ томонидан шу йилнинг 1 октябры ҳолатига 120 мингга яқин аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига 3 триллион сўм кредит маблағи ажратилди. Мазкур кредитлар ҳисобиға 122 мингта иш ўрни ташкил этишга эришилди.

Банк томонидан мамлакатимизда ички ва ташқи туризмни ривожлантириш борасида олиб борилаётган амалий ишларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилнинг 1 октябры ҳолатига туризм ва меҳмонхона хизматлари учун 4 369,0 миллион сўмлик кредит маблағи йўналтирилди.

“Агробанк”нинг экотуризмни ривожлантиришга қаратилган молиявий кўмагидан фойдаланиб, ўз бизнес лойиҳасини амалиётга татбиқ этаётган кўплаб тадбиркорлар бу-

гун даромадга эга бўлиб, фаолиятларини янада ривожлантириш йўлида ҳаракат қилаётир.

Ана шундай тадбиркорлардан бири Самарқанд туманидаги “Азамат оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурини олайлик. Бу борада “Агробанк” АТБ томонидан шу йилнинг 1 октябры ҳолатига 120 мингга яқин аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига 3 триллион сўм кредит маблағи ажратилди. Мазкур кредитлар ҳисобиға 122 мингта иш ўрни ташкил этишга эришилди.

Банк томонидан мамлакатимизда ички ва ташқи туризмни ривожлантириш борасида олиб борилаётган амалий ишларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилнинг 1 октябры ҳолатига туризм ва меҳмонхона хизматлари учун 4 369,0 миллион сўмлик кредит маблағи йўналтирилди.

“Агробанк”нинг экотуризмни ривожлантиришга қаратилган молиявий кўмагидан фойдаланиб, ўз бизнес лойиҳасини амалиётга татбиқ этаётган кўплаб тадбиркорлар бу-

Банк ахборот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар!

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Сирдарё вилоятининг Боёвут, Гулистон, Мирзабод, Оқолтин, Сардоба, Сайхунбод, Сирдарё, Ховос туманлари ва Гулистон, Ширин, Янгиер шаҳарларида (1-лот) маиший чиқиндиларни тўплаш, ташиш, саралаш ва қайта ишлаш хизматларини давлат-хусусий шериклик асосида амалга ошириш лойиҳаси юзасидан қизиқиш билдириш учун эълон.

Маиший чиқиндиларни тўплаш, олиб чиқиб кетиш, саралаш ва қайта ишлаш кластер хизматларини Давлат-хусусий шериклик асосида бошқариш юзасидан лойиҳа концепцияси тасдиқланди. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ тасдиқланган давлат-хусусий шериклик лойиҳаси концепциясини потенциал давлат шери-

ги (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси) ҳамда ваколатли давлат органи (Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги) томонидан маълум қилиш мақсадида ўзининг расмий веб-сайтида қирқ беш календарь кун муддатда эълонга жойлаштирилди.

Тендерда иштирок этиш истаги

бўлган томонлар ўзларининг қизиқиш учун сўровларини **2022 йил 5 декабрь кунни, Тошкент вақти билан**

Қуйидаги манзил бўйича кўрсатилган алоқа воситалари орқали батафсил маълумот олишиниз мумкин: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдор шоҳқўчаси, 7-«А» уй.

Телефонлар: 71-207-07-70 (1072# 5003#), 93-501-19-00, 99-016-17-56.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1048. 13 882 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Тахририятга келган қўёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг отказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида термид ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланган.

Газетанинг полиграфик ҳажматдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 03.35 Топширилди — 04.45 1 2 3 4 5 6